“Uzbekistan Airports” АЖ раисининг
2022-йил 3 октябрдаги 548-сон буйруғига
3-ИЛОВА

РУКОВОДСТВО **по проведению проверок подрядчиков в АО «Uzbekistan Airports» и его структурных подразделениях**	**“Uzbekistan Airports” АЖ** **ва унинг таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид** **ЙЎРИҚНОМА**
I.Общие положения	**I.Умумий қоидалар**
1. В настоящем Руководстве указано, что АО «Uzbekistan Airports» и его структурные подразделения (далее - Общество) при осуществлении закупочных процедур, должны проводить обязательную проверку участников при заключении прямого договора (далее – Участники закупки), а также в настоящем Руководстве определены основные требования, процедуры и методы.	1. Ушбу Йўриқнома “Uzbekistan Airports” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартнома тузишда иштирокчиларни мажбурий текширишнинг (кейинги ўринларда Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш) асосий талаблари, тартиби ва усулларини белгилайди.
2. Целями проверки участников процесса закупки являются: Снижение коррупционных рисков, связанных с конфликтами интересов и личных интересов сотрудников организации; снижение риска заключения договора с ненадлежащим исполнением; оценка способности участника процесса закупки поставить товары или услуги, указанные в договоре, а также выполнить работу; принятие решения о заключении договора с подрядчиком с должной осмотрительностью.	2. Харид жараёнлари иштирокчиларини текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: Жамият ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш; инсофсиз ижроси билан шартнома тузиш хатарини камайтириш; харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш; Контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш.
3. Проверка участников процесса закупки осуществляется с точки зрения возможности связи между всеми участниками закупки.	3. Харид жараёнлари иштирокчиларини текшириш хариднинг барча иштирокчилари, шу жумладан, улар ўртасидаги алоқа мавжудлиги эҳтимоли нуқтаи-назаридан ҳам амалга оширилади.
4. Проверка проводится не реже одного раза в год для всех новых подрядчиков, кроме указанных в пунктах 7 и 8 настоящего Руководства, а также для действующих подрядчиков.	4. Текширув ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилганлардан ташқари барча янги контрагентларга нисбатан, шунингдек амалдаги контрагентларга нисбатан камида бир йилда бир марта амалга оширилади.
5. За исключением случаев, предусмотренных пунктами 7 и 8 настоящего Руководства, не допускается заключение договора и (или) осуществление расчетов без получения заключения по результатам проверки подрядчика.	5. Ушбу Йўриқноманинг 7 ва 8-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, контрагент текшируви натижалари бўйича хулосани олмасдан туриб шартномани имзолаш ва (ёки) тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.
6. Подрядчики не будут проверяться в отношении покупок, совершенных в форме электронных магазинов и аукционов, с целью снижения стартовой цены.	6. Электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион шаклида ўтказилган харидлар бўйича контрагентлар текширилмайди.
7. Также расследование не может проводиться в отношении следующих подрядчиков: Если Общество вступает в договорные отношения с головным офисом или структурно-территориальными подразделениями; Коммунальные и иные аналогичные услуги (в том числе по электроэнергии, газу, отоплению,	7. Шунингдек, текширув қуйидаги контрагентларга нисбатан амалга оширилмаслиги мумкин:

инжинирингу, водоснабжению, водоотведению, очистке сточных вод, вывозу твердых бытовых отходов (подрядчики, являющиеся поставщиками товаров (работ, услуг) регулируемых государством по ценам (тарифам);

Подрядчики, являющиеся естественными монополиями Республики Узбекистан.

8. В настоящем Руководстве используются следующие основные понятия:

исполнитель – Члены закупочной комиссии, сформированной в организации;

подрядчик – Любое юридическое или физическое лицо, которое планирует вступить в договорные отношения в рамках процесса закупок организации;

подрядчик/ подрядчик-бенефициар (конечный бенефициар) - физическое лицо, являющееся единственным собственником Исполнителя или имеющее право или возможность прямо или косвенно контролировать действия Исполнителя путем дачи указаний, влияния на принимаемые решения или иным образом;

коррупционная практика – материальная заинтересованность сотрудника прямо или косвенно, лично или через третьих лиц, в интересах взяткодателя, в том числе денег, ценных бумаг, иного имущества и имущественных прав, получение имущественных услуг, требование произвести, взыскать, предложить или давать взятки и/или получать или посредничать в этом, взимать плату за упрощение процедур (взяточничество) и незаконное использование своих служебных обязанностей в иных незаконных целях;

конфликт интересов – Ситуация, при которой личные интересы сотрудника Организации (прямо или косвенно) влияют или могут повлиять на надлежащее исполнение должностных обязанностей, а также имеется или может возникнуть конфликт между личными интересами сотрудника и интересами Организации;

конфиденциальная информация – информация в любой форме, получение, обработка, передача или использование которой ограничены в соответствии с законодательством Республики Узбекистан или внутренними документами обладателя информации;

инициатор – Организационная единица;

личная заинтересованность сотрудника – Денежные средства (личные, социальные, финансовые, политические и иные коммерческие или некоммерческие интересы), которые могут повлиять на надлежащее выполнение сотрудником трудовых или служебных

Жамият марказий аппарати билан ёки таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ўзаро шартномавий муносабатга киришаётган бўлса;

Коммунал ва бошқа шу каби хизматларни (шу жумладан, электр таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти, сув таъминоти, сув чиқариш, оқава сувларни тозалаш, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш (кўмиш) тармоқларига уланиш), шунингдек давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (ишларнинг, хизматларнинг) нархлар (тарифлар) бўйича етказиб берувчи ҳисобланган контрагентлар;

Ўзбекистон Республикасининг табиий монополиялари ҳисобланган контрагентлар.

8. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилган:

ижрочи – Жамиятда тузилган харид комиссияси аъзолари;

контрагент – Жамиятнинг харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

контрагент/контрагентнинг бенефициар эгаси (якуний бенефициар) - контрагентнинг хусусий эгаси бўлган ёки ушбу Контрагент учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда унинг харакатларини бевосита ёки билвосита назорат қилиш ҳуқуқи ёки имкониятига эга бўлган жисмоний шахс;

коррупциявий харакатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви – Жамият ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Жамият манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазият;

махфий ахборот – бу олиниши, ишланиши, узатилиши ёки фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ахборот эгасининг

обязанностей, его близкие родственники или лица, связанные с личной выгодой сотрудника в форме товаров, материальных и нематериальных активов, иного имущества, льгот, привилегий и преференций. **близкие родственники** – лица, связанные родственными или законными узами, то есть родители, родные и сводные братья и сестры, супруги, дети, в том числе усыновленные, дедушки и бабушки, внуки, а также родители, родные и близкие супруги;	ички ҳужжатларига мувофиқ чекланадиган ҳар қандай шаклдаги ахборот; **ташаббускор** – Жамият таркибий бўлинмаси; **ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Жамият ходими, унинг яқин қариндоши ёки ходим билан боғланган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари) пул маблағлари, моддий ва номоддий қадриятлар, бошқа мулк, фойда, имтиёз ва афзалликлар кўринишидаги шахсий фойда олиш. **яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;
II. Порядок возбуждения расследования, документы и источники информации, необходимые для расследования 9. Рассмотрение участников в рамках процедуры закупки осуществляется Закупочной комиссией после вскрытия заявок для оценки предложений, поданных участниками торгов, но до принятия решения о принятии победившей заявки по окончании торгов. 10. Ответственность за проверку соблюдения сроков, установленных законодательством и внутренними документами Организации, в рамках процесса закупки (в случае, если закупка носит непосредственно договорной характер) возлагается на Председателя закупочной комиссии или инициатора договора. В этом случае исполнитель назначается председателем закупочной комиссии. 11. Проверка подрядчиков осуществляется исполнителем в течение 5 дней с даты получения документов, указанных в пункте 16 настоящего Руководства, от инициатора документов. 12. При невозможности проведения проверки в установленный срок ее продолжительность может быть продлена в письменной форме на срок не более 3 дней по согласованию с Председателем закупочной комиссии. 13. В случаях, если возникает срочная необходимость проведения проверки подрядчиков, инициатор обращается в Закупочную комиссию со служебным письмом исходя из срочности, с указанием необходимых сроков проведения проверки. Решение о	**II.Текширувни бошлаш тартиби, текширув учун талаб қилиб олинадиган ҳужжатлар ва ахборот манбалари** 9. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчиларини текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади. 10. Харид жараёни доирасида қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари томонидан ўрнатилган муддатларга риоя қилиниши устидан текширувни амалга ошириш учун маъсул – тегишли Харид комиссия раиси ёки шартнома ташаббускори ҳисобланади (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса). Бунда, ижрочи Харид комиссия раиси томонидан тайинланади. 11. Контрагентлар текшируви ижрочи томонидан ҳужжатлар ташаббускоридан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. 12. Текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда унинг давомийлиги Харид комиссияси раиси билан келишилган ҳолда 3 кундан ортиқ бўлмаган муддатга ёзма шаклда узайтирилиши мумкин. 13. Контрагентларнинг текширувини шошилинч тартибда ўтказиш зарурияти мавжуд бўлган ҳолларда, ташаббускор томонидан шошилинчлилик асосланган, текширувни

проведении экстренной проверки принимается на основании решения закупочной комиссии.

14. Председатель закупочной комиссии или инициатор (если закупка осуществляется по прямому договору) несет ответственность за сбор и представление документов для проверки подрядчиков.

15. Для проверки подрядчика исполнителю представляются следующие документы:

справка о конечных бенефициарах, заполненная самим подрядчиком по форме Приложения 1 к настоящему Руководству;

копия документов, полученных от подрядчика (приложение 2 к настоящему Руководству);

копию внутренних антикоррупционных документов подрядчика (при наличии) (политики, положения, правила поведения, антикоррупционные программы и т.д.).

16. Получение документов, указанных в пункте 16 настоящего Руководства, является обязательным в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, за исключением внутренних антикоррупционных документов и справки о конечных бенефициарах. В случае отказа подрядчика от предоставления внутренних антикоррупционных документов и справки о конечных бенефициарах инициатор уведомляет об этом исполнителя, который проведет расследование на основании документов, представленных в отношении подрядчика.

17. Все документы, полученные от подрядчика, должны быть нотариально заверены или должным образом подготовлены уполномоченным представителем подрядчика. Представленные документы должны быть действительными, а документы государственных реестров должны быть получены не позднее, чем за 30 (тридцать) дней до даты проведения проверки.

18. Сбор сведений для проверки подрядчика требует от исполнителя целостного и объективного мнения о подрядчике, его собственниках и руководителях, его деятельности, а также о достоверности полученных от него документов и сведений, в том числе для оценки отсутствия признаков их недостоверности (отсутствие признаков фальсификации).

В рамках проверки подрядчиков исполнитель анализирует:

сведения и документы, предоставленные подрядчиком. В случае невозможности получения от подрядчика документов, указанных в приложении 2 к настоящему Руководству, либо

ўтказишнинг зарур муддатлари кўрсатилган хизмат хати билан Харид комиссиясига мурожаат қилади. Шошилинч текширув ўтказиш тўғрисидаги қарор Харид комиссияси қарори асосида йўл қўйилади.

14. Контрагентларни текшириш учун ҳужжатларни тўплаш ва тақдим қилиш учун Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор (агар харид тўғридан-тўғри шартнома бўйича амалга оширилаётган бўлса) маъсул бўлади.

15. Контрагентни текшириш учун ижрочига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

контрагентнинг ўзи ушбу Йўриқномага 1-иловага мувофиқ шаклда тўлдирган якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотнома;

контрагентдан олинган ҳужжатлар нусхаси (ушбу Йўриқномага 2-илова);

контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлари (мавжуд бўлса) нусхаси (сиёсатлар, низомлар, ҳулқ-аҳлоқ қоидалари, коррупцияга қарши дастурлар ва б.).

16. Ушбу Йўриқноманинг 16-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мажбурий ҳисобланади, коррупцияга қарши курашиш бўйича контрагентнинг ички ҳужжатлари ва якуний бефециарлар тўғрисидаги маълумотнома бундан мустасно. Контрагентнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар ва якуний бенефициарлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишни рад этган тақдирда, ташаббускор
бу ҳақда Контрагент устидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида текширувни амалга оширадиган ижрочига хабар беради.

17. Контрагентдан олинган барча ҳужжатлар нотариал тарзда ёки контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тегишли тарзда тасдиқланган бўлиши лозим. Тақдим этиладиган ҳужжатлар амал қилаётган бўлиши, давлат реестрлари ҳужжатлари эса текширув санасига қадар 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда олинган бўлиши керак.

18. Контрагентни текшириш учун маълумотлар тўплаш ижрочи томонидан контрагент, унинг эгалари ва раҳбарлари, фаолияти тўғрисида яхлит ва холис фикрга эга бўлиш, шунингдек, ундан олинган ҳужжат ва маълумотларнинг ишончлилиги,
шу жумладан, уларнинг ишончсизлиги бўйича белгилар йўқлигини (сохталаштириш аломатлари мавжуд эмаслигини) баҳолаш учун амалга оширилади.

Контрагентларни текшириш доирасида ижрочи қуйидагиларни таҳлил қилади:

наличия признаков недостоверности (фальсификации) полученного документа или информации исполнитель делает соответствующую отметку в заключении по результатам проверки подрядчика; информацию из открытых источников. Исполнитель может использовать источники информации, указанные в Приложении 3. Этот список является рекомендуемым, и при необходимости исполнитель может использовать другие источники; документы, полученные путем направления официального запроса в соответствующие организации; Внутренние ресурсы организации, в том числе реестр проверок подрядчиков, реестр конфликтов интересов сотрудников и др. 19. Ресурсы, используемые для проверки подрядчика, должны соответствовать требованиям законности и беспристрастности. 20. При необходимости исполнитель может провести проверку подрядчиков в ходе рассмотрения. Для проведения такой проверки исполнитель должен согласовать ее с начальником своего отдела. При выездной проверке составляется протокол встречи с руководителем организации (уполномоченным лицом), в котором перечисляются заверенные копии документов, полученных от подрядчика, первично сличаемые исполнителем с оригиналами. Перечень копий поступивших документов и (или) замечаний, представленных уполномоченным представителем исполнителя, оформляется в виде отдельного списка, подписываемого уполномоченным представителем проверяемого подрядчика и исполнителем и приобщаемого к протоколу встречи.	контрагент томонидан тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар. Ушбу Йўриқномага 2-иловада кўрсатилган ҳужжатларни контрагентдан олиш имкони бўлмаганда ёки олинган ҳужжат ёки ахборотларнинг ишончли эмаслиги (сохталаштирилгани) белгилари мавжуд бўлган ҳолларда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада тегишли белги қўяди; очиқ манбалардан олинган маълумотлар. Ижрочи 3-иловада кўрсатилган ахборот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Ушбу рўйхат тавсиявий бўлиб, зарурият туғилганда ижрочи бошқа манбалардан фойдаланиши мумкин; тегишли Жамиятларга расмий сўровнома юбориш йўли билан олинган ҳужжатлар; Жамиятнинг ички ресурслари, шу жумладан, контрагентлар текширувлари реестри, ходимларининг манфаатлар тўқнашуви реестри ва бошқалар. 19. Контрагентни текшириш учун ишлатилган манбалар қонунийлик ва холислик талабларига жавоб бериши керак. 20. Зарурият бўлганда ижрочи текширув давомида контрагентларни жойига чиқиб, ўрганиши мумкин. Бу каби текширувни ўтказиш учун ижрочи ўз бўлинмаси раҳбари билан келишиши лозим. Сайёр текширув давомида Жамият раҳбари (ваколатли вакили) билан учрашув баённомаси тузилиб, унда контрагентдан олинган, дастлаб ижрочи томонидан асл нусхалари билан таққосланган ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари санаб ўтилади. Олинган ҳужжатлар нусхаларининг ва (ёки) контрагентнинг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган изоҳлар рўйхати текширилаётган контрагентнинг ваколатли вакили ва ижрочи томонидан имзоланган алоҳида рўйхат кўринишида расмийлаштирилиши ва учрашув баённомасига илова қилиниши керак.
III. Методика проверки подрядчиков 21. Проверка подрядчиков осуществляется по следующим основным направлениям: 1) проверить дееспособность, финансовую устойчивость, благонадежность и историю взаимоотношений исполнителя с подрядчиком, в том числе: а) наличие технических, финансовых, материальных, кадровых и иных ресурсов, необходимых для выполнения контракта; б) наличие законного права на заключение договора;	**III. Контрагентларни текшириш методологияси** 21. Контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади: 1) контрагентнинг ҳуқуқ лаёқати, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан: а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

в) отсутствие просроченной задолженности по налогам и сборам; г) отсутствие процедур банкротства подрядчика; д) отсутствие регистрации в едином реестре недобросовестных исполнителей; 2) проверить репутацию подрядчика в сфере бизнеса; 3) проверить отсутствие конфликта интересов. Проведение проверок в этих областях является обязательным. Перечень направлений проверки может быть расширен в каждом случае по требованию исполнителя, согласованному с решением закупочной комиссии. При этом направление проверки не должно противоречить законодательству, регулирующему государственные закупки, и (или) приводить к ограничениям принципов конкуренции. 22. Исполнитель анализирует имеющиеся источники информации и определяет, доступна ли информация, содержащаяся в отчете о результатах очередного расследования подрядчика, по каждому из направлений, указанных в пунктах 25-27. 23. При проверке действующего подрядчика перед внедрением настоящего Руководства Исполнитель должен убедиться в непрерывности прежних договорных отношений, опыте взаимодействия с этим подрядчиком и его добросовестности в выполнении обязательств по предыдущим контрактам с Юридическим лицом. При проверке нового подрядчика исполнитель анализирует информацию об исполнении подрядчиком аналогичных договоров и рекомендации других заказчиков (заказчиков) и, по возможности, проверяет добросовестность этого подрядчика в выполнении своих договорных обязательств перед другими заказчиками. 24. В рамках проверки дееспособности, финансовой устойчивости, благонадежности и истории взаимоотношений с исполнителем исполнитель определяет следующие сведения: Наличие контрагента в Едином реестре субъектов хозяйствования; юридический и фактический адрес подрядчика; ФИО руководителя и учредителей подрядчика; соответствие основной деятельности подрядчика предмету закупки; прекращение, реОбщество, отсутствие процедуры банкротства в отношении подрядчика;	г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги; 2) контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътибори; 3) манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш. Кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади. Текширув йўналишлари рўйхати ҳар бир алоҳида ҳолатда ижрочининг харид комиссияси қарори билан келишилган талаби билан кенгайтирилиши мумкин. Бунда, текшириш йўналиши давлат харидларини тартибга солувчи қонунчиликка зид бўлиши ва (ёки) рақобат тамойилларини чеклашга олиб келишига йўл қўйилмаслиги лозим. 22. Ижрочи фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбаларининг таҳлилини амалга оширади ва 25-27-бандларда кўрсатилган ҳар бир йўналишга нисбатан қуйидаги контрагентнинг текширув натижалари тўғрисида хулосада кўрсатилган маълумотларнинг бор-йўқлигини белгилайди. 23. Ушбу Йўриқнома амалга киритилгунга қадар шартномавий муносабатларда бўлган Жамиятнинг амалдаги контрагентни текширишда ижрочи бундан аввалги шартномавий муносабатларнинг давомийлиги, ушбу контрагент билан ўзаро ҳаракат тажрибаси ва унинг Жамият билан аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажаришдаги ҳалоллигини текширади. Янги контрагентни текширишда ижрочи контрагент томонидан шу каби шартномаларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот ва бошқа буюртмачилар (мижозлар) берган тавсияномаларни таҳлил қилади ҳамда имкон даражасида ушбу контрагентнинг бошқа мижозлари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажаришдаги ҳалоллигини текширади. 24. Контрагентнинг ҳуқуқ лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган муносабатлар тарихини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди: Тадбиркорлик субъектларининг Ягона реестрида контрагентнинг борлиги; контрагентнинг юридик ва амалдаги манзили; контрагент раҳбари ва таъсисчиларининг Ф.И.Ш.; контрагент асосий фаолият турининг харид предметига мувофиқлиги;

подрядчик имеет необходимые лицензии (разрешения) на осуществление деятельности, подлежащей лицензированию в соответствии с законодательством Республики Узбекистан;

Подрядчик имеет открытый доступ к информации, документации и отчетности, включая основные средства, собственный капитал, персонал и другие технические, финансовые, материальные и другие ресурсы, необходимые для выполнения его обязательств перед Организацией;

Наличие соответствующих полномочий у лица, вступающего в договорные отношения с Организацией от имени Подрядчика;

Невключение подрядчика в единый реестр недобросовестных исполнителей на специальном информационном портале;

Отсутствие информации о несвоевременном или ненадлежащем исполнении подрядчиком договорных обязательств перед Организацией за последние два года;

Отсутствие просроченной задолженности по уплате налогов и сборов у подрядчика.

25. В рамках проверки репутации подрядчика в сфере предпринимательства исполнитель определяет следующие сведения:

отсутствие информации в открытых источниках о причастности подрядчика, его собственников, в том числе бенефициарных собственников или управляющих, к преступлениям, связанным с мошенничеством, подлогом и коррупцией или иной противоправной деятельности;

отсутствие информации или материалов против руководителя подрядчика в правоохранительных или иных государственных органах;

отсутствие взаимодействия подрядчика, его собственников или генерального директора (членов органов управления) и иных руководителей с преступными Обществоми, экстремистскими и террористическими Обществоми;

наличие процедур и политик, регулирующих деловую этику подрядчика и борьбу с коррупцией;

отсутствие уголовных дел в отношении собственников имущества или руководителей (членов органов управления) подрядчика, связанных с его финансово-хозяйственной деятельностью;

отсутствие иной негативной информации о подрядчике, его собственниках или других руководителях;

26. В соответствии со статьей 14 Закона Республики Узбекистан «О государственных

контрагент фаолиятини тугатиш, қайта ташкил этиш, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

контрагентда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда лицензияланиши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун зарур лицензияларнинг (рухсатномалар) мавжудлиги;

Контрагентда очиқ ахборот, тақдим этилган ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисобдорлигига мувофиқ, асосий маблағлар, хусусий капитал, ходимлар ва бошқа техник, молиявий, моддий ва Жамият олдидаги мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

Контрагент номидан Жамият билан шартномавий муносабатларга киришаётган шахсда тегишли ваколатнинг мавжудлиги;

Контрагент махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилмаганлиги;

Контрагентнинг сўнгги икки йил ичида Жамият олдидаги шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлиги ёки уларнинг лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмаслиги;

Контрагентда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.

25. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборини текшириш доирасида ижрочи қуйидаги маълумотларни аниқлайди:

очиқ ахборот манбаларида контрагент, унинг мулкий эгалари, шу жумладан бенефициар мулкий эгалари ёки раҳбарларнинг фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар ёки бошқа ноқонуний фаолиятда иштирок этганлиги тўғрисидаги ахборот мавжуд эмаслиги;

контрагент раҳбарига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органларида қораловчи маълумот ёки материалларнинг мавжуд эмаслиги;

контрагент, унинг мулкий эгалари ёки бош директор (бошқарув органлари аъзолари) ва бошқа раҳбарларнинг жиноий тузилмалар, экстремистик ва террористик Жамиятлар билан ўзаро алоқаси мавжуд эмаслиги;

контрагентнинг ишбилармонлик аҳлоқий меъёрлари ва коррупцияга қарши кураш масалаларини тартибга солувчи тартиб-таомил ва сиёсатларнинг мавжудлиги;

контрагентнинг мулк эгалари ёки раҳбарларига (бошқарув органлари аъзолари) нисбатан унинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят ишлари мавжуд эмаслиги;

закупках» должностные лица и иные работники государственного заказчика, оператора электронной системы государственных закупок, специализированной организации, экспертной организации, а также члены закупочной комиссии и эксперты, привлекаемые к осуществлению процедур государственных закупок, не имеют права на прямое или косвенное получение льгот.

Соответственно, исполнитель проверяет соответствие сведений, содержащихся в справке о конечных бенефициарах подрядчика, заполненной по форме согласно приложению 1 к настоящему Руководству, данным ЕГРЮЛ. Такое расследование также будет проводиться в отношении руководителей и учредителей подрядчика. Также исполнитель проверяет наличие конфликта интересов по следующим критериям:

один из единоличных собственников подрядчика, в том числе бенефициарный владелец, не является руководителем другого участника Закупочного процесса или его близким родственником;

инициатор или иные сотрудники Организации или их близкие родственники, участвующие в выборе подрядчика, владеют акциями или долями в его уставном капитале, не находящимися в открытом обращении, либо более 5% акций подрядчика, находящихся в открытом обращении на Республиканской фондовой бирже или друой фондовой бирже;

инициатор, привлекаемый к выбору подрядчика, либо иные сотрудники Организации или их близкие родственники, не являются членами совета подрядчика или не имеют личной заинтересованности в результатах его деятельности (в том числе в осуществлении своих инвестиций);

инициатор, участвующий в выборе подрядчика, или другие сотрудники Организации или их близкие родственники не занимают руководящих должностей в организации подрядчика;

отсутствие аффилированных отношений между подрядчиком и членами закупочной комиссии;

иные условия, приводящие к конфликту интересов.

Проверка конфликта интересов осуществляется путем сопоставления информации, предоставленной подрядчиками, с информацией, отраженной в декларации о конфликте интересов сотрудников Организации и включенной в соответствующий реестр.

контрагент, унинг мулк эгалари ёки бошқа раҳбарлари тўғрисида бошқа салбий маълумотлар мавжуд эмаслиги;

26. Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Давлат буюртмачисининг, давлат харидлари электрон тизими операторининг, ихтисослашган Жамиятнинг, эксперт Жамиятининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек харид комиссиясининг аъзолари ҳамда экспертлар харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ўз иштирокидаги давлат харидларига доир битимнинг натижаси бўлган ҳар қандай шахсий фойдани бевосита ёки билвосита олиш ҳуқуқига эга эмас.

Шунга мувофиқ, ижрочи ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган контрагентнинг якуний бенефициарлари тўғрисидаги маълумотномада акс эттирилган маълумотларнинг тадибиркорлик субъектлари Ягона давлат реестри маълумотларига мувофиқлигини текширади. Ушбу текширув Контрагентнинг раҳбарлари ва таъсисчиларига нисбатан ҳам амалга оширилади. Шунингдек, ижрочи манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича текширади:

контрагентнинг ягона ёки мулкий эгаларидан бири, шу жумладан, бенефициар мулкий эгаси – бу Харид жараёнининг бошқа иштирокчиси раҳбари ёки унинг яқин қариндоши эмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Жамиятнинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари унинг устав капиталидаги оммавий айланмада бўлмаган акциялари ёки ҳиссаларига, ёки контрагентнинг Республика фонд биржасида ёки яна бошқа бир фонд биржасида оммавий айланмада бўлган 5% дан ортиқ қимматли қоғозларига эгалик қилмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Жамиятнинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагент бошқарув кенгаши таркибига кирмаслиги ёки унинг фаолияти натижаларидан шахсий манфаатдорликка (шу жумладан уларнинг инвестицияларини амалга оширишда) эга бўлмаслиги;

контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Жамиятнинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишламаслиги;

контрагент ва Харид комиссияси аъзолари ўртасида аффилланганлик алоқаларининг мавжуд эмаслиги;

	манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган бошқа шароитлар. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текширишни ижрочи контрагентлар томонидан тақдим этилган маълумотларни манфаатлар тўқнашувини декларациялаш доирасида Жамият ходимлари томонидан акс эттирилган ва тегишли реестрга киритилган маълумотлар билан таққослаш орқали амалга оширади.
V. Регистрация и документирование результатов проверки 27. По результатам проверки исполнитель составляет заключение по форме, указанной в приложении 4 к настоящему Руководству. Исполнитель прилагает к заключению по результатам проверки подрядчика проведенный анализ и иные документы, подтверждающие проведение анализа. 28. При наличии признаков реального или потенциального конфликта интересов исполнитель вносит предложение Председателю закупочной комиссии или инициатору о принятии мер по его урегулированию. В случае выявления признаков конфликта интересов в составе персонала Организации уведомляется Служба внутреннего антикоррупционного контроля (далее - Структура внутреннего контроля). Результаты анализа наличия или отсутствия конфликта интересов и предпринятые меры по его урегулированию также отражаются в заключении по результатам проверки подрядчика. 29. При выявлении индикаторов риска исполнитель выносит и отражает рекомендации по работе с подрядчиком, направленные на снижение выявленных рисков, в заключение проверки подрядчика (например, внесение запрета на авансовые платежи в договор и т.п.). 30. Исполнитель представляет заключение по результатам проверки Председателю закупочной комиссии или инициатору. Заключение учитывается Председателем Закупочной комиссии или инициатором при принятии решения о выборе Закупающей организации, что фиксируется в протоколе прямого договора с Закупочной комиссией или подрядчиком. 31. В случае возникновения реального конфликта интересов между Подрядчиком и сотрудником Организации, он должен быть урегулирован внутренним документом по урегулированию конфликтов в Организации до начала процесса Закупки. В случае невозможности разрешения конфликта интересов подрядчик должен быть исключен из участия в процессе закупки.	**V. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва ҳужжатлаштириш** 27. Ўтказилган текширув натижалари бўйича ижрочи ушбу Йўриқномага 4-иловада келтирилган шаклда хулоса тузади. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосага ижрочи ўтказилган таҳлил ва таҳлилни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни илова қилади. 28. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аломатлари аниқланган тақдирда ижрочи уни тартибга солиш зарурияти тўғрисида чораларни кўриш бўйича Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга таклиф киритади. Агар манфаатлар тўқнашуви аломатлари Жамият ходимларида аниқланган бўлса, бу ҳақда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) хабардор қилади. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ўтказилган таҳлил якунлари ва уни тартибга солиш бўйича чоралар ҳам контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада акс эттирилади. 29. Хатар индикаторлари аниқланганда ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосада аниқланган хатарларни камайтиришга йўналтирилган контрагент билан ишлаш бўйича тавсияларни таклиф қилади ва акс эттиради (масалан, шартномага аванс тўловларга тақиқни киритиш ва бошқа). 30. Ижрочи контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулосани Харид комиссияси раиси ёки ташаббускорга тақдим этади. Харид комиссияси раиси ёки ташаббускор олинган хулосани харид иштирокчисини танлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш доирасида ҳисобга олади, бу ҳақда харид комиссияси ёки контрагент билан тўғридан-тўғри шартнома тузишдаги баённомада тегишли ёзув киритилади. 31. Контрагент ва Жамият ходими ўртасида реал манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у Харид жараёнини давом эттиришдан олдин Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатга асосан тартибга солиниши керак. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш имкони бўлмаган тақдирда

32. В случае если по результатам проверки подрядчика в рамках прямых закупок выявлены сведения, свидетельствующие о наличии коррупционного риска либо об отсутствии антикоррупционной системы в организации подрядчика, то о возможности заключения договора с подрядчиком решение принимает руководитель организации. 33. Заключение проверки подрядчика прилагается к пакету документов, необходимых для принятия решения по результатам закупочной процедуры, согласования договора и осуществления расчетов. 34. Не позднее трех рабочих дней после завершения проверки Служба внутреннего контроля вносит указанные сведения в Реестр проверок подрядчиков по форме согласно приложению 5 к настоящему Руководству. 35. Журнал проверки подрядчиков и результатов проверки подрядчиков, а также заявления о проведении проверки, заключения по результатам проверки подрядчиков, представленные подрядчиками документы и сведения, полученные исполнителем из соответствующих источников, хранятся в структуре внутреннего контроля в течение не менее 3 (трех) лет. 36. Журнал проверки подрядчиков и результаты проверки подрядчиков, а также заявления о проведении проверки, заключения по результатам проверки подрядчиков, представленные подрядчиками документы и сведения, полученные исполнителем из соответствующих источников, являются конфиденциальными и не подлежат разглашению работникам Организации и иным третьим лицам, в обязанности и полномочия которых не входит использование такой информации.	контрагент харид жараёнида иштирок этишдан четлатилиши лозим. 32. Агар тўғридан-тўғри ҳаридлар доирасида контрагентни текшириш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатарнинг мавжудлигини ёки коррупцияга қарши курашиш тизимининг йўқлигини кўрсатувчи маълумотлар аниқланса, у ҳолда контрагент билан шартнома тузиш эҳтимоли ҳақидаги қарор Жамият раҳбари томонидан қабул қилинади. 33. Контрагент текшируви натижалари тўғрисидаги хулоса мажбурий тартибда харид қилиш жараёнлари натижалари тўғрисидаги қарор қабул қилиш, шартнома бўйича келишиш ва тўловларни амалга ошириш учун талаб этилувчи ҳужжатлар пакетига қўшиб қўйилади. 34. Текширув натижалари тўғрисидаги хулоса чиққанидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Ички назорат тузилмаси бу ҳақидаги маълумотни ушбу йўриқномага 5-иловага мувофиқ шаклда Контрагентларни текшириш реестрига киритади. 35. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар контрагент билан шартнома муносабатлари тўхтатилган кундан бошлаб камида 3 (уч) йил Ички назорат тузилмасида сақланади. 36. Контрагентларни текшириш реестри ва контрагентларни текшириш натижалари, шунингдек, текширув учун ариза, контрагентни текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса, контрагентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда ижрочи томонидан тегишли манбалардан олинган маълумотлар конфеденциал бўлиб, Жамият ходимларига ва хизмат вазифалари ва ваколатлари бундай маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олмаган бошқа учинчи шахсларга ошкор қилинмайди.
VI. Заключительные положения 37. Процесс проверки подрядчиков находится под постоянным контролем Службы внутреннего контроля. 38. Настоящее Положение подлежит пересмотру в случае изменения положений законодательства о государственных закупках и антикоррупционного законодательства, влияющих на настоящее Руководство.	**VI. Якуний қоидалар** 37. Контрагентларни текшириш жараёни доимий равишда Ички назорат тузилмаси томонидан мониторинг қилиб борилади. 38. Давлат харидлари ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг ушбу йўриқномага таъсир қиладиган нормалари ўзгарганда, ушбу Йўриқнома қайта кўриб чиқилиши керак.